

Фаҳш нарсаларга олиб борувчи воситалардан сақланиш (еттинчи мақола)



15:00 / 21.06.2020 3326

Зинога олиб борувчи йўллардан энг кўп тарқалгани ва ҳаммининг қўли етадигани телевидение, интернет ва бошқа воситалар орқали фаҳш нарса кўриш, фаҳшга доир турли ёзувлар ва адабиётларни ўқишдир. Бу нарсанинг ҳам ҳаром эканида шак-шубҳа йўқдир. Зеро, олдин айтиб ўтганимиздек Ислолда ҳаром нарсага олиб борувчи йўллар ҳам ҳаромдир. Шунингдек, шахс ва жамиятни маънавий ва моддий жиҳатдан бузилишига сабаб бўлувчи ҳар қандай нарса ҳам ҳаромдир. Бу мавзуга номаҳрамлардан кўзини тиймаслик ҳақида баҳс қилганимизда тўхталиб ўтдик. Аммо ҳозирги кунимизда ушбу муаммо жуда долзарб бўлиб тургани учун алоҳида ўрганиб чиқсак катта фойда бўлади.

Турли воситалар орқали фаҳш нарсаларни кўрган, эшитган, ўқиган, суҳбатлашган инсоннинг нияти қандай бўлмасин барибир у Исломда таъқиқланган ҳаром ишни қилган бўлади.

Ушбу мавзуга боғлиқ ҳукмлар:

-Телевидение орқали турли фаҳш кўрсатув ва фильмларни кўриш - ҳаром.

-Ҳаётда номаҳрамларга қараш ҳаром бўлган ҳолатлар телевизор, интернет, журнал, суратлар ва турли хил маҳсулотларнинг қадоғида ва реклама баннерларида бўлганда ҳам - ҳаром.

-Интернет орқали фаҳшга чорловчи турли веб-саҳифаларга кириш -ҳаром.

-Компьютер ва телефонда интернет орқали ижтимоий тармоқларда номаҳрамлар билан шаръий заруратсиз суҳбатлашиш, “дўстлашиш” ва шу каби ишлар - ҳаром.

-Ота-оналар ўз фарзандларини бу ишларнинг барчасидан қайтаришлари ва назорат қилиб туришлари - вожибдир.

Афзал Аброр таржимаси